

*(Масковдан мактуб)*

Инкилоб тўлқунининг мудхиш зарбалари билинарлик даражада секинлашган шу замонда ишлар ўз табиий йўлига кирган кабидир. Шу каторда табиий ўларок мактаб ва талабалик жараёни ҳам асосий чизикларга туша бошлади. Энди битта-яримта тузуккина мактаблар кўринмакда, турли шаҳарларда жиддий ўқуш толиблари давом этмакдадир. Самарканд вилоят билим юрти эшитганимизга кўра бу йил кенгайтирилиб, уч юзга якин талаба қабул қилиб, тўққиз йиллик бир иш мактаби қурулмокчи ва хоказо.

Мактаб ҳаётининг энг муҳим нуқтаси бўлган илмий тарафи ҳам бултургиларга қарагонда оз-моз жонланмокда ва баъзи ташаббускор маорифчиларнинг ҳаракатлари соясида ташқаридан муаллимлар кетурмакда ва уларнинг таъмини учун тиришилмокдадир.

Буларнинг устига Қофқозёга ва ички Русияга талабалар ҳар йилгидан кўбрак юборилмокда, ҳатто Бакуда Самарканд вилояти ўқувчиларининг таъмини учун ўттиз кишилик ётоқхона тузулмакдадир. Бу сўнгги воқеа Туркистоннинг ўқувчи ҳаёти йўлида жуда катта қадам саналиши мумкин. Чунки барчаси маълумки, Туркистоннинг ўзида бошланғич мактабларимиз бўлса-да, бу кунги олий таҳсил кўриш орзусида бўлган ёшларнинг эҳтиёжини қоплаб олатурган мактабларимиз йўқ. Бунинг учун бирдан-бир чора, табиий, хорижга талабалар юборишдир.

Масковда Туркистон ҳукумати таъминоти билан яшайтургон ўқувчилар бўлса ҳам, ҳалигача Қофқозё учун йўқ. Кўб ташаббуслар бўлган бўлса ҳам, маатаассуф, натижасиз қолган эди. Бу кунги Самарканд вилояти талабалари учун тузилган ётоқхона қамбағал талабаларнинг бир оз роҳатда ўқушга давом этишларини таъмин қила олса жуда катта хизмат қилган бўлар. Бу ўрунлик қилинган ҳаракатни жуда олқишламок керакдир.

Бундан бошқа Туркистоннинг бошқа шаҳарларида қачонлар бошланғич янги мактаб бинолари қуриш ҳаракати кечрак бўлса ҳам, бошланғич қаби кўринадир. Самаркандда авқоф шўъбасининг ва маориф бюросининг ташаббуслари диққатга шоёндыр. Қизлар маорифи ҳам бу йил ўтганлардан кўра жиддийлашгандир. Ёздаги курсдан истифода этган хотин-қизлар борлиги кўриладир. Бу йил эса қизлар мактабининг ададини ортдирмок ҳаракати кўриладир.

Юқоридаги сатрларни ўқугонлар албатта сезадирларким, маориф ишлари тўғрисида ҳалигача ёзилган нарсаларга қарагонда бу кунгиси бошқачарокдир.

Ҳалигача биз у керак, бу керак деб эдик. Бугун эса қилган ишларимизнинг натижасини кўриш билан қувонамиз. Албатта, бу ишларга фаолият билан қиришган маориф доираларини қутлаймиз.

Энди келамиз нашриёт ишларига: Бу йил бу майдонда қилинатургон муҳим ишлар бор. Фурсатни қўлдан қочирмаслик ва ташаббусни бир оз ортдириш соясинда албатта кўб ишлар қилиш мумкиндир. Мактаб китоблари ҳозирлаш масаласи илмий ҳайъат томонидан кўрилаётган бўлса ҳам ҳалигача майдонга чиқгани кўрилмайдир.

Тайёрланган мактаб китобларини тезроқ босдиришга ҳаракат қилиш керакдир. Буни эса ёлғиз илмий ҳайъатга топшуруб ўлтириш ҳатодир. Ҳар ердаги маориф бюрolari бунинг оддий жихатини таъмин қилишга ёрдам берсалар, биз аминмиким, илмий ҳайъатнинг ишлари тезрак майдонга отилган бўлар. Чунки бизнинг илмий-адабий соҳамиз ҳозир

жуда кийин ва ишламаган холдадир. Буни ишлаш кўб захматларга ва бу захматлар эса, табиий, моддий таъминотга боғлиқдир.

Биз доимо ҳгшкни окартиш кераклигини такрор киламиз. Факат бу тўғрида жиддий ҳаракат килмаймиз. Бир ёқдан халқни хат ва саводли қилишга тиришамиз. Факат хат ва саводликларимизнинг қандай нарсалар ўқушларини хотирга келтурмаймиз. Қанча кам бўлса бўлсун бизда хат ва саводлик кишилар бор. Уларнинг мутолаа қилатургон нарсалари эскидан бизга маълум. Инкилобдан илгари Туркистоннинг ҳар қайси шаҳрида шу мутолаачиларни таъмин қилатургон асарлари узулмасдан босдирилиб, тарқатилиб турар эди. Холбуки, бу етти йилда ҳеч бир мутолаага яроқлик нарса ҳеч бир ерда босилмади. Яримчиқ газеталар, бир чиқиб ётатургон бир неча сон мажаллалардан бошқа ҳеч нарса бўлмади. Холбуки, ўтган йилларга қараганда ҳозир мутолаага ҳавасли кишилар кўпайган ва қундан-қун кўпаймақдадир. Ҳозир эски вақтда бўлмагон бир муаллимлар зумраси борқим, булар учун мутолаа қитоблари ҳаёт масаласидир. Мажаллаларимизда таълим-тарбияга оид арзимас, илмий бўлмагон мақолалардан бошқа нарса йўқдур. Халигача муаллим қўлида раҳбар бўларак нарса йўқдир. Бизда асар ёзатургон киши йўқ экан, таржима қила олатургонлар ҳар вақт топиладир. Энг муҳим нарсаларни чет тиллардан таржима қилиш керақдир. Бу қун мактабларни тузатиш учун энг биринчи масала, муаллимларни қучайтиришдир. Бу эса таълим-тарбияга оид илмий асарлар билан ва махсус бир таълим-тарбия мажалласи воситаси билан бўлиши мумкин. Буни очик билиш керақдирқим, Туркистоннинг бошига қелган балолардан қутулиш ёлғиз маориф орқасидагина бўладир. Бу муаллимлар зумрасидан бошқа ҳукумат доираларида ишлайтургонлар, талабалар, янги хат ва саводлари қикгон ишчилар кўпаймақдадирқим, буларга ҳам табиий ўлароқ, эҳтиёжларини таъмин этарлик мутолаа қитоблари керақдир. Овруполикларда ҳукумат идораларидан бошқа ҳусусий ширкатлар тарафидан ҳам кўб яхши нарсалар босдирилиб тарқатилмоқдадир. Биз шулар орасида бизга ва бизнинг маишатимизга тўғри қеладиған рўмонлар, ҳикоялар ва турли-турли қитобчалар олсоқ мумкинқир. Буларни таржима қилиш ва босдириш лозим. Ман ўйлайманқим, ҳозирда бундай нарсалар кўб тарқаладир. Ўтқанларда бўлгон қабир зарар қилинмаса қерақ.

Халигача Туркистоннинг бир тарихи ва жугрофияси босилмагонқир. Бутун туркистонлилар учун биринчи даражада ўз мамлақатларини танишлари лозим бўлса, қали бундан маҳрумқирлар. Бухоро назорати тарафидан бир-икки тарих қитоби таржима қилингон ва ёздирилгон бўлса ҳам қалигача босдирилмағони қизикқир. Туркистонда таржима қилдириш қийин экан, Бухорода тайёр асарни тайёр матбаа ва асбоб бор экан, босдирмай туриш жуда қатта жинойтқир. Айниқса, Бухоро инқилобига оид Туркистонда бирдан-бир ёзилгон асарқим, унинг Туркистон учунда аҳамияти буюққир. Халигача босилмай туриши нашриёт ишлари билан машғул кишиларнинг тушунмасликлари бўлмаса нима бўла олур? Истар Бартольд ва Вамбери асари бўлсун, истар С. Айний асари бўлсун, муқаммал бир Туркистон тарихи бўла олмасалар ҳам муҳим материаллар бера оладирлар. Бухоро ҳукумати ўз асарларини босдириш билан ўз тарихида энг муҳим бир иш қилгон бўла олади. Факат афсусқим, бу соҳада жуда қеч қолди.

Бу йил тагин бошқа бир қилинадургон иш бор. Буда Навоий эсдалиғидур. 1925-нчи йилда шу қокларда машҳур шоиримиз Навоийнинг тугилганига беш юз йил тўладир. Унинг шарафига бир тантанали тўй ясаш қерақдир. Бу бир йил муқддатида Навоийнинг муқаммал таржимаи ҳоли ёзилиши ва ясалиши лозим. Унинг аслига мувофиқ расмини

тайёрлаш керакдир. Мумкин бўлса, жуда топилмайтургон бир асарини билдириш ва Навоийнинг кичик, кўлда бир мунтахаб шеър мажмуасини таркатиш керакдир. Хар миллат ўзини буюк кишилари билан исбот киладир. Хозирги вақтимизда фахр килатургон кишиларимиз йўқ экан, бир оз тарихимиздагиси билан мактанайлик. Бу мактаниш бўш бир нарса бўлиб колмас. Ўшал буюк кишиларни етишдирган ўлка хозир ҳам бор. Ўшал истеъдод хозир ҳам яширин хазина каби ўлкамизнинг бурчакларида турибдир. Биз бошларимизни бир оз карасак, юзидаги зангларни, догларни силасак, яна хаёт майдонига чикамиз. Мана шу «баъс баъдалмавт»га (кайта тирилишга — Б.К.) эришмак учун бир оз ҳаракат керакдир. Шу ҳаракатни буюк кишиларимиздан оламиз. Ва шу йўлга ишониб кирамиз. Бу йўлда ишлаш учун ҳар шаҳарда — Бухоро ҳам шунинг ичида - турлик комиссиялар тузилиши керакдир. Буларнинг биргалашиб, бир хатти-ҳаракат билан ишга киришишлари керакдир. Муваффақият ташаббусга боғлиқдир.

**Вадуд Махмуд «Маорифимиз, нашриётимиз» деган маколасини Москвадалиги пайтида ёзган бўлиб, сарлавҳадан кейин кавс ичида «Московдан мактуб» деган кўшимча бор. Макола В.М. имзоси билан «Зарафшон» газетасининг 1924 йил 14 октябр сонидида босилиб чиккан.**